



ЭЛЛАРНИ ВА ДИЛЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАЁТГАН САНЪАТ

Бу йил Туркистон вилояти ташкил топганига 7 йил тўлди. Шу қисқа вақт ичида вилоятда сайёҳлик, маданият ва сармоя соҳалари жадал ривожланмоқда. Хорижий давлатларнинг олий мартабали вакиллари тарихий шаҳарга тез-тез ташриф буюриб, музокаралар олиб боришмоқда. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев Туркистонга махсус ташриф буюрган Португалиянинг Қозоғистондаги элчихонасининг муваққат ишлар вакили Хосе Атаиде Амарал билан учрашди. Учрашувда олий мартабали меҳмонга вилоятнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти тақдим этилди.

– Вилоятимизда сармоядорлар учун қулай шароитлар яратилган. Биз Португалия билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга тайёرمىз. Биз ҳам сайёҳлик соҳасидаги тажрибангизни кўриб чиқиш ва Европадан келаётган сайёҳлар сонини оширишдан манфаатдормиз, – деди Нуралхан Кўшерев.

Туркистонга махсус “Турон овози – 2025” қозоқ кўшиқ фестивалига келгани, Португалияда қозоқ кўшиқларини ижро этувчи хонанда борлиги, қозоқ кўшиқчилигининг савияси юксак эканлигини таъкидлади.

Муҳтарам меҳмон Туркистон шаҳрининг гўзаллиги ва раванқига ижобий баҳо бериб, сайёҳлик соҳасининг тараққиётига ишонч билдирди. У ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашга тайёрлигини маълум қилди.

Маълумот учун: Португалия Республикаси Пиренеи ярим оролида жойлашган давлат. Аҳолиси 10 миллион, пойтахти Лиссабон шаҳри.

Португалия – индустриал-аграр мамлакат. Кемасозлик, автомобиль йиғув, велосипед, мотоцикл, моторлар, айрим турдаги дастгоҳлар, рўзгор машиналари, электротехника ва радиоэлектроника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ривожланган. Тўқимачилик (ип ва жун газлама тўқиш), тикувчилик, озиқ-овқат (зайтун ёғи, балиқ консервалари, вино и. ч.) саноати азалдан экспорт учун ишлайди. Цемент, чинни, ойна ва сопол ишлаб чиқариш корхоналари ҳам мавжуд. Чорвачилик тараққий этган. Соҳилда балиқ овланади. Транспортининг асосий тури – денгиз кема қатнови.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Ғалаба муборак, Асел!

Вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев карате бўйича энг нуфузли унвонлардан бири – “Grand Winner-2025” мақомини қўлга киритган Асел Қанайни қабул қилиб, ғалаба билан табриклади.

Учрашувда вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси раҳбарияти, спортчининг мураббийи ва бошқа спорт турлари вакиллари иштирок этди. Учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари спортчининг ютуқларини юксак баҳолаб, спорт тараққиётига ҳамisha хисса қўшиб, юрт фахрига айланишига, яна кўп марраларни забт этишига ишонч билдирди ва пул мукофотини топширди.

Асел Қанай каратэ бўйича бирқанча халқаро мусобақалар ғолиби.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



ЖАМОАТ ҚАБУЛХОНАЛАРИ – ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Жамоат қабулхоналарида фуқароларнинг ариза ва шикоят белгиланган тартибда, ҳолислик тамойиллари асосида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига олий қадрият сифатида қараётганининг амалдаги ифодасидир.

Ўрдабоши туманида “AMANAT” партияси фракцияси депутатлари фуқаролар қабулини ўтказишда давом этмоқда. Навбатдаги сайёр қабул вилоят маслаҳати депутати Ғани Раимбеков иштирокида ўтди.

Депутат қабулига Бўген, Амангелди, Шубарсу ва Темирлан қишлоқлари аҳолиси кредит олиш, Шубарсу қишлоғини табиий газ билан таъминлаш, уй-

жой навбати, Амангелди қишлоғига кириш йўлини асфальтлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар юзасидан мурожаат қилишди.

Ғани Ахилбеков кўтарилган масалалар юзасидан қонун доирасида тегишли ишларни олиб борилишини маълум қилди.

Вилоят маслаҳати.

Балли, Жанибек!



Қозоғистон Республикаси Фан ва олий таълим вазири Саясат Нурбек ЯМТ синовларида 140 балл тўплаган Жанибек Абилханни табриклади.

Энг юқори натижага эришган абитуриент Туркистон вилоятининг Ўрдабоши туманидаги мактаб битирувчисиدير. Вазир Жанибекни муваффақияти билан табриклаб, ота-онасига миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, унга ташаккурнома ва эсдалик совғасини топширди.

Учрашувда вазир мамлакатимиз олий таълим соҳасидаги имкониятлар ва Қозоғистонда очилган хорижий университетлар салоҳиятига тўхталди.

19 май куни Жанибек Абилхан Шимкент шаҳридаги минтақавий тест марказида “Математика-информатика” фанлари бўйича тест синовидан ўтиб, энг юқори натижани қайд этди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

5-модда
Томонлар тенглик ва ўзаро манфаат тамойиллари асосида савдо, иқтисодиёт, сармоя, инфратузилма бoғлиқлиги, муҳандислик, энергетика (шу жумладан, гидроэнергетика ва қайта тикланувчи энергия манбалари), транспорт, фойдали қазилмалар, қишлоқ хўжалиги, экологик муҳитни муҳофаза қилиш, қайта ишлаш саноати, фан ва техника каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

6-модда
Томонлар маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизматлар, сайёҳлик, спорт, оммавий ахборот воситалари ҳамда ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда алмашинув ва ҳамкорликни ривожлантириш бўйича зарур чораларни кўрадилар.

7-модда
Томонлар ўз қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ икки томонлама ва кўп томонлама шаклларда терроризм, сепаратизм, экстремизм ҳамда трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция, қурол, гиёҳванд моддалар ва психотроп моддалар ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича ҳамкорликни ривожлантирадилар.

8-модда
Томонлар ўз қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ мудофаа, мудофаа саноати ва хавфсизлик соҳаларида ўзаро ишончни мустаҳкамлайдилар ҳамда мазкур соҳалардаги бошқа масалалар юзасидан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтирадилар.

9-модда
Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва улар аъзо бўлган бошқа кўп томонлама ташкилотлар ва дастаклар доирасида алоқалар ва

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК ЙЎЛИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА АБАДИЙ ДЎСТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА МАТНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



ҳамкорликни мустаҳкамлайдилар, дунёвий ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш учун саъй-ҳаракат қилдилар.

10-модда
Ушбу Шартномани талқин қилиш ва амалга ошириш давомида келиб чиқиши мумкин бўлган баҳс ва келишмовчиликлар Томонлар томонидан дўстона музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

11-модда
Ушбу Шартнома Томонлар иштирок этаётган бошқа икки томонлама ёки кўп томонлама халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир этмайди ҳамда учинчи давлатларга қарши йўналтирилмаган.

12-модда
Ушбу Шартнома қоидаларини амалга ошириш мақсадида Томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг

аниқ соҳалари бўйича зарурат туғилганда алоҳида халқаро шартномаларни тузадилар.

13-модда
Томонлар ўзаро келишувга биноан ушбу Шартнома матнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар алоҳида баённомалар орқали расмийлаштирилади ва Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

14-модда
Ушбу Шартноманинг депозитарияси Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидир.

Депозитарий ушбу Шартноманинг тасдиқланган нусхасини имзолаган барча Томонларга уни имзолаш санасидан бошлаб 15 (ун беш) кун ичида жўнатиши лозим.

15-модда
Ушбу Шартнома номуайян муддатга тузилади ва Шартноманинг кучга кириши учун Томонлар томонидан тегишли ички давлат тартиб-таомиллари амалга оширилгани ҳақидаги ёзма дипломатик хабарнома депозитарий томонидан олинган санада кучга қиради.

Депозитарий Шартноманинг кучга кирган санаси тўғрисида Томонларни хабардор қилади.

Ҳар бир Томон ушбу Шартномадан чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳақда дипломатик каналлар орқали ёзма равишда Депозитарийни воқиф этади.

Бундай хабарнома Депозитарий томонидан олинганидан сўнг 12 (ун

икки) ой ўтиши билан ушбу Томон учун Шартноманинг амалиёти тугайди.

Депозитарий бу ҳақда қолган Томонларни хабардор қилади.

Депозитарий ушбу Шартнома мазкур Томон учун тўхтатилгани ҳақида бошқа Томонларга маълум қилади.

Ушбу Шартнома 2025 йил 17 июнда Астана шаҳрида рус ва хитой тилларида бир нусхада имзоланган бўлиб, ҳар икки матн тенг ҳуқуқий кучга эга.

Қозоғистон Республикаси
ноmidан
Қ. ТЎҚАЕВ.

Хитой Халқ Республикаси nomidан
Си ЦЗИНЬПИН.

Қирғизистон Республикаси
ноmidан
С. ЖАПАРОВ.

Тожикистон Республикаси
ноmidан
Э. РАҲМОН.

Туркменистон Республикаси
ноmidан
С. БЕРДИМУҲАММЕДОВ.

Ўзбекистон Республикаси
ноmidан
Ш. МИРЗИЁЕВ.

УЧ КУНДА ҲАЛ БЎЛДИ

Ёшим 70да, нафақадорман. Шу пайтгача давлат хизматчиларига ишим тушиб, бирорта арз-шикоят билан мурожаат қилмаган эдим. Яқинда бир вазият туфайли ҳокимликка ариза беришга тўғри келди. Маҳалламизда дайди итлар кўпайиб кетди, тўда-тўда бўлиб, изгиб юришади. На каттада, на кичикда хотиржамлик бор. Ҳамма хадиксираб, кўчага чиқишга ҳам юраги бетламай қолди. “109-рақамга кўнғироқ қилишимни маслаҳат беришди.

Бу рақам аҳолидан келиб тушадиган арз-шикоятлар ва уларнинг ижросини назорат қиладиган ягона-мулоқот марказининг телефони экан. Марказ ходимаси хушмуомалалик билан арзимни тинглади, кўчамизнинг номини, исм-шарифим ва уяли телефонимни ёзиб олди-да, “тез орада бригада боради, кутинг”, деди.

Уч кун ўтди. Рости, масала ижобий ҳал бўлишини ўйлаб ҳам кўрмагандим. Дайди итларни олиб кетишди. Муаммомиз шу қадар тез ҳал бўлди. Давлатимизда шундай жадал хизматлар борлигидан мамнунман. Раҳмат!

З. ИСМОИЛОВА, нафақадор.

Ҳа, бугунги кунда давлатимиз, имкон қадар, аҳоли арз-шикоятларини эътиборсиз қолдирмай, жойида ва тезда ҳал бўлиши учун жонбозлик кўрсатмоқда. Масалан, Шимкент шаҳрида 5 йилдан буён фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва муаммоларни жадаллик билан ҳал қилиш мақсадида шундай мулоқот маркази фаолият юритмоқда. Аҳоли кечаю кундуз давомида бу марказга мурожаат қилиб, уй-жой-коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жамоат транспорти, кўчалар тозаллиги, йўл ҳаракати масалалари бўйича муаммоларни очик айта олади. Марказ бир кечаю кундуз давомида 3000та телефон кўнғироғини қабул қилиш, 5000 фуқарога ёрдам кўрсатиш имконига эга. Аризалар онлайн қабул қилинади ва кўнғироқ овози ёзиб олинади.

ҚР Давлат хизмати ишлари агентлигининг Туркистон вилояти бўйича департамент раҳбари ўринбосари, Одоб-ахлоқ бўйича кенгаш котибияти мудири Дархан Суртековга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

– Сиз фаолият юритаётган идоранинг асосий вазифалари нима-лардан иборат?

– “ҚР Давлат хизмати тўғрисида” Қонуни талабларига мувофиқ, ваколатли идора (унинг ҳудудий департаментлари) давлат органларининг давлат хизмати соҳасидаги қонунчилигининг таъминланиши, давлат хизматчиларининг хизмат одобиغا риоя қилиши ва давлат хизматлари сифатли кўрсатилишини назорат қилади.



– Фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилганда, норози бўлганлар ҳам тез-тез учрайди. Бундай ҳолларда қандай чора-тадбирлар кўрсатилар?

– Тасдиқланган иш режамизга мувофиқ, Давлат хизмати ишлари агентлигининг Туркистон вилоят департаменти хизматларни тақдим этувчи муассасалар фаолиятини мунтазам назорат қилиб туради. Хизмат кўрсатувчи муассаса ҳуқуқий-меъёрий талабларни тегишли даражада бажармаса, у, албатта, бунинг учун жавобгарликка тортилади. Бундай вазиятлар бўлмаслиги учун департамент қонунга мувофиқ тавсиялар беради ва шу тариқа фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклайди, ҳимоя қилади.

– Давлат хизматчиларининг ҳам ҳуқуқлари бузилиб туради, бундай вазиятларда қандай чоралар кўрсатилар?

– Масалан, ўтган йили минтақадаги маҳаллий ижро органлари томонидан давлат хизматчиларига нисбатан қўлланилган интизом жазоларини ўргандик. Таҳлил шуни кўрсатдики, бир йил давомида 1825 лавозим соҳиби жавобгарликка тортилибди ва 2023 йилнинг шу даври билан таққослаганда, 10 фоиз ортиқ. Текширувлар эса хизматчиларга чора кўрганда, қонун талаблари бузилганини аниқлади. Натижада, департамент аралашуви билан 53 давлат хизматчисига асоссиз берилган жазо бекор қилинди, хизматчилар ҳуқуқлари тикланди. Давлат хизматчиларига интизом жазосини қўллашда муддатлар бузилиши, хизмат тергов-текширув тайинлаш тартибига риоя қилинмаслиқ, ходимлардан тегишли тушунтириш хатлари ҳам инобатга олинмаслиги кўзга ташланади.

Муштарий, шундай масалалар бўйича маслаҳат керак бўлса, ҚР Давлат хизмати ишлари бўйича агентлигининг Туркистон вилояти бўйича департаменти раҳбари ўринбосари, Одоб-ахлоқ кенгаши котибияти раҳбари Дархан Аширханули Суртековга мурожаат қилишингиз мумкин.

Қабул вақти – ҳафтанинг иш кунлари (ҳар куни) соат 09:00дан 18:30гача.

Рўйхатдан ўтиш 8(725 33) 5-94-72 алоқа рақамига кўнғироқ қилиш орқали амалга оширилади.

Н. МАВЛОНОВА.

ОФАРИН, ЁШ ШАШКАЧИЛАР!



Саврон туманига қарашли Ўранғай қишлоғида болалар ва ўсмирлар ўртасида 100 катакли шашка бўйича Туркистон вилояти биринчилиги ўтди. Унда Янги Иқон қишлоғининг ёш шашкачилари ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Жумладан, шашканинг классик тури бўйича Маржонабегим Ирисбек ҳамда Зайнура Холмуродовалар биринчи ўринни эгаллаб, ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори погонасига кўтарилишди, Иззатбек Ирисбеков, Хулқар Авазхонова, Жавохир Абдухаллоқовлар фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ушбу беш нафар ёш шашкачиларимиз Қозоғистон Республикаси биринчилигига йўлланма олишди.

Шунингдек, Шаҳруза Комилжон, Гулҳаё Абдуқодирова, Сўғдиёна Зокир-жоновалар эса учинчи ўринни эгаллаб, совриндорлар сафидан кўринишди.

Ёш спортчиларимизнинг мураббий ва устозлари Абдуқодир Тоштемиров ва Акажон Иззатуллаевлардан миннатдормиз.

Дилшодабегим ИРИСБЕКОВА.

ОСОЙИШТАЛИК – БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ



Куни кеча Қозоғистон полицияси касбий байрамини нишонлади.

Халқимиз осойишталигини таъминлаш, элда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги залворли меҳнатини эътироф этган ҳолда полиция ходимлари фаолиятига чизгиларимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

“Энг яқин полиция”

Бу қоида жамоат жойларида ички ишлар ходимларининг доимий иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Яъни, бугунги кунда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун “ҳар қадамда” полициячи бўлиши талаб этилмоқда. Ички ишлар идораларини аҳолига янада яқинлаштириш, фуқаролар мурожаатларини кечаю кундуз қабул қилиш, муаммоларни тез ҳал этиш мақсадида шу усулдан фойдаланилмоқда. Агар ушбу тизим фаол ишлай бошласа, жиноятчилик кўлами кескин пасаяди, кутилган самара бўлади, деб кутилмоқда.

“Хавфсиз саёҳатчи”

Маълумки, Туркистон шаҳри – саёҳатчилар учун жозибадор маскан. Ички ишлар вазирлиги Қозоғистонга келаётган чет эллик фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига зарар етмаслигини таъминлаш, улар учун имкон қадар қулай ва хавфсиз муҳит яратиш мақсадида куйидаги чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳозир хорижлик фуқаролар полицияга бориб, рўйхатга олиниш тартибидан озод этилган. Бунинг учун онлайн хабар берилса, кифоя. Йирик аэропортларда сайёҳларга QR кодли саёҳат карталари берилади. Бу эса SafeTravel.kz .Portal орқали зарур маълумотлар ва тавсияларни, шунингдек фойдали мобиль иловаларни юклаб олиш учун хизмат қилади. Карта ёрдамида полиция билан тезкор алоқа қилиш (102), шу жумладан, SOS функциясига мурожаат қилиш мумкин. Яна миграция қонунчилиги, келган шаҳар харитаси, расмий таксилар ва онлайн сервислар рўйхати, расмий веб-сайтларига ҳаволаси бўлган алоқа операциялари рўйхати, “Тез ёрдам”, ёнгин бўлими, ягона қутқарув хизмати ва бошқалар мавжуд.

“Ўсмирлар ҳимояси”

Маълумки, ўсмирлар бугун онлайн “хаётда” банд эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Болалар ва ўсмирларни интернетдаги ҳужумлардан (кўпроқ Facebook, Instagram ва WhatsApp дас-турлари) ҳимоя қилишда ҳам полиция жонбозлик кўрсатмоқда. Кибербуллинг (масофадан кўрсатиладиган ўзравонлик билан) орқали балоғат ёшига етмаганларни ноқонуний фаолиятларга жалб этиш ниҳоятда авж олаётир. Гиёҳванд моддаларни тарқатиш, беҳаё тасвирлар ва бошқа ноқонуний ишларга болаларни жалб этиш интернет фирибгарларининг “севимли машғулоти”га айланаётир.

Туркистон вилоят киберполиция бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ермек Шакимининг айтишича, “Интернет – фирибгарлик”, “Сохта интернет-магазинлар”, “сохта банклардан телефон кўнғироқлари” ва бошқа сармоявий фирибгарликлар ҳақида муҳим маълумотлар бермоқда.

“Сармоявий фирибгарлик”

Интернет жиноятчилари бир-биридан илгор усуллар билан содда одамларни чув туширишда давом этмоқда. Мамлакатимизда рақамлаштириш соҳаси ривожланган сайин онлайн шаклда даромад топиш тармоғи ҳам гуллаб-яшнамоқда. Бу янги манба сармоядорларга кўп имкониятлар эшигини очгани билан фирибгарлар учун ҳам жуда осон ва қулай бўлиб қолмоқда. Ҳужумчилар сохта веб-сайтлар яратиб, сармоядорлар, яъни машҳур компанияларнинг (масалан, кўпинча KAZMinerals, “Қазақмыс”, “Қазмунай-газ”, “Казатомпром” ва Қозоғистондаги йирик банклар номидан иш кўришади) расмий саҳифаларини нусхалашмоқда ва келажақда компания фойдасининг бир қисmini олиш учун, масалан, қимматбаҳо металллар ёки нефть қазиб олишга сармоа киритишни таклиф қилишади. Ёки йирик компанияларнинг акцияларини ёки “токен”ларини харид қилишга чақиршади. Бунинг учун Facebook, Telegram, YouTubeдан кенг фойдаланишмоқда. “4 ҳафта ичида 890 минг тенге бошланғич сармояси билан 53 минг тенгегача бўлган даромадни ваъда қилиб, нефть-газ ва мис қазиб олувчи компаниялар жамоасига

қўшилишни таклиф қилишади” ва ҳоказо.

Киберполициячининг айтишича, сармоявий турдаги бирорта таклифга ёки қарорга кўнманг. Сабаби Қозоғистонда оддий фуқаро молиявий биржада қимматбаҳо қоғозларни мустақил равишда сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқига эга эмас. Фақат брокерлик компаниялари, яъни бозорнинг касбий аъзолари ёрдамида, лицензия асосида ишлаётган мутахассислар билан бирга амалга ошира олади.

Бу мавзу долзарб бўлгани боис, Ермек Шакимга яна бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

– Туркистон вилоятида содир этилаётган кибержиноятлар ичида энг кўп тарқалгани қайсилар?

– Жорий йил 5 ой ичида содир этилган жиноятлар таҳлили шуни кўрсатдики, 682та жиноят фирибгарликка оид бўлса, унинг 40 фоиздан ортиғи интернет жиноятларни ташкил этади. Кибержиноятга қарши иш-ҳаракатлар бошқармаси ходимларининг самарали иш натижаси сифатида – Астана шаҳрида жойлашган “дроппер”ларнинг уюшган жиноий гуруҳини бартараф этдик. Гуруҳ аъзолари ўғирланган маблағларни олиб қўйиш ёки транзит қилиш учун банк карталари ва ҳисоб-рақамларини чиқариш билан шуғулланган. Жиноий гуруҳнинг аҳолига етказган азияти залворли. Айни пайтда вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда жиноий иш рўйхатга олиниб, 15 гумондор шахс ҳибсда, 56та ишга дахлдорлиги аниқланган, тергов амаллари давом этмоқда.

– Интернет тармоқларига боғланиб қолган ёшлар билан қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Полиция департаменти ва Халқаро Қозоқ Турк университети орасида тузилган шартномага кўра, полиция ходимлари талаба ёшлар билан биргаликда йил бошидан буён “Киберназорат” тизими ёрдамида 2060га яқин ҳуқуқбузар манбага нисбатан чора кўрди, хавфли “ўчоқ”лар муҳосара қилинди. Бундан ташқари Туркистон вилояти бўйича Дин бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар жума кунида масжид ва мадрасаларда, Маданият ва туризм бошқармаси билан ҳамкорликда эса деярли барча маданий тадбирларда “Интернет фирибгарларидан эҳтиёт бўлинг!” мавзуида огоҳлантириш чора-тадбирларини ўтказмоқдамиз.

– Бундай тадбирлар мактабларда ҳам ўтказилардимми?

– Албатта. Туркистон вилояти ҳудудида жойлашган барча таълим муассасаларида, мактаб-олий ўқув юртларида 350та тадбир ўтказдик. Ёшларга таъсири бўлсин, деган мақсадда улар орасида машҳур бўлган шахслар, яъни блогер ва актёрлар иштирокида видеолархалар тайёрладик. Бундан ташқари, йил бошидан буён вилоят миқёсида 40000 дона тарқатма, 20000 дона ёпиштириладиган ахборот материаллари тарқатилди. Интернетда 1314та огоҳлантиришга оид хабарлар, 46та бевосита эфир орқали телесуҳбатлар бердик. Интернет жиноятларининг янги турларига оид видеолавҳаларни 88та бильборд ва 62та ЛЭД-экранда намоиш этмоқдамиз.

Н. МАВЛОНОВА.

»»Ойнома

Саратон ўзбекча – қисқичбақа, форсча – хорчана, ўрисча – рак, арабча – саратон. Муддати 22 июндан 22 июлгача, 31 кун. Шу муддат оралиғида туғилганлар бурж ҳисобида САРАТОНдир.

Бу ойни ёз ЧИЛЛАСИ ҳам дейдилар. Саратон ёлқинли нафаси, ўтли ҳарорати билан табиатдаги ҳамма нарсани қиёмига етказиб пишира бошлайди. Кўёш олам шимолий ярим шарининг энг юқори нуқтасига кўтарилади. Энг қисқа тун ва энг узун кун ҳолати содир бўлади. Саратон дохил бўлгандан 4-5 кун ўтгач, кўёш жанубга томон оға бориб, тунлар узаяди ва кунлар қисқара бошлайди.

Саратон офтоби жамики экинни қулф урдиради, узум, мева, қовун-тарвуз ширинлиги ошиб, шарбатга айланади. Баҳорда ўтқазилган дархат, ток қўчатларининг тақдири, яъни тўлиқ амалга кириши шу ойда ҳал бўлади.

Халқ орасида тез-тез, қайта-қайта такрорланиб турадиган ўғитлар борки, уларга таянган деҳқон ҳам, чорвадор ҳам ҳеч қачон ютқазмайди, панд емайди:

- Яхши келса, саратон, писанд эмас қаҳратон (қиш).
- Саратон имкониятларини қўлдан бой берган деҳқон тўрт одам тўпланган жойда катта гапиролмайди.
- Саратон иссиқ деб ётма, қўлингдаги нақдингни йўқотма!

ЭНГ ИССИҚ ОЙ – САРАТОН КИРДИ

- Саратонгача ғўза қаришдан ошса, кузда хирмон тошади.
- Саратонда ток сўғорса соҳибкор, узуми олдида асал ҳам бекор.
- Саратонда экиндан ҳол сўр, кузга бориб, баракали хирмонни кўр.

Қишлоқ аҳлининг, хусусан, кексаларнинг бундай нақл ва иборалари кўп. Саратон ис-сигининг инсон саломатлиги ва кундалик ҳаётига таъсири ҳақида ҳам фикрлар кўп. Чунончи, саратон офтобиди чиниққан одам, қайси ойда бўлишидан қатъий назар, синган суюқлар саратонда қайнаб битиб, асл ҳолига келади, баъзи касалликлар асоратию таъсири шу ойда инсон организмидан чиқиб кетади, шифобахш шўр лой, қум ва иссиқ сув-

ларнинг таъсир кучи ошадди, доривор ўсимликлар пишади. Равишини билиб тупроқда оёқяланг юриш, оқар сувда чўмилиш, кўёш нурида тобланишининг саломатлик учун бениҳоя фойдали экани эса қадимдан маълум. Саратон кунларининг қандай келишини оддийгина белгиларга қараб билиб олишингиз мумкин.

... Тонг. Шарқ осмони эндигина оқара бошлаши ҳамона чумчуқлар чирқиллай бошлайди. Улар қанчалик баланд чугурлашса, уша кунни ҳаво шу қадар жазирама бўлади. Қумрилар тонгданоқ бетоқат қуқулайди.

Хайрулла ҚОСИМОВ. “Фасллар хосияти”.

Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида Ўзбекистон ва қозоғистонлик режиссёрларнинг ҳамкорлик қилганини биламиз. Туркиялик режиссёр Кубилай Ерделикаранинг театримизда спектакль қўйиши тарихий воқеа десак, муболага бўлмайди. У француз драматурги Мольернинг “Хасис” асарини саҳналаштирмоқда.

– Кубилай Ерделикара, юртимизга хуш келибсиз, сизни Шимкент шаҳар ўзбек драма театрига ким таклиф қилди?

– Мен Ўзбекистонда, яъни Қашқадарё ва Жиззахда тўртта спектакль қўйдим. Жиззахда Туркияда машҳур ёзувчи Тунже Жуде ўғлининг “Кўчки” асарини саҳналаштирдим. Шу театр билан Шимкент шаҳар ўзбек драма театри орасида меморандум имзоланган экан. Мен ҳақимда жиззахликлар маълумот беришган. Шундан сўнг, театрнинг бадий раҳбари Жавлон Саидов алоқага чиқиб, ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олдик.

– Аввал ҳам Қозоғистонда бўлганмисиз?

– Ўтган йилда Петропавловск шаҳридаги қозоқ драма театрида буюк ёзувчи Мольернинг “Хасис” асарини саҳналаштирдим. Албатта, бўлганман, Ватанингизда. Лекин Қозоғистон жуда бепоён экан. Қизилжарда совуқ еган бўлсам, бу ерда иссиққа чидаб бўлмаяпти.

– Қаерда таҳсил олгансиз?

– Ўнта давлатда спектакль саҳналаштирганман. Таркибида 40 давлат бўлган Евроосиё театрлар ҳамжамиятининг бош котибиман. Ташкилот томонидан ўтказиладиган танловларда ҳакамлик қиламан. Туркияда давлат театрида фаолият юритаман, бундан ташқари, хусусий театрим бор.

– Бу ерда қандай спектаклни саҳнага олиб чиқмоқдасиз?

– 1600-йилларда Мольер

ТУРК РЕЖИССЁРИ ТЕАТРИМИЗДА



томонидан ёзилган “Хасис” асарини саҳнага олиб чиқмоқдамиз. Бу бутун дунёга машҳур комедия.

– 10та давлатда спектакль саҳналаштиргансиз. Бизнинг театр ва улар ўртасида фарқ борми?

– Биринчидан, шунга айтишим керакки, бу ер билан у ернинг катта фарқи йўқ. Туркий халқлар бўлганимиз учун бир-биримиз билан таржимонсиз гаплаша оламиз. Урф-одатларимиз, қадриятларимиз бир. Бундан ташқари, бошқа ўхшашликлар ҳам жуда кўп. Бу ердаги ҳаёт тарзи ҳам бизга яқин бўлгани боис ўзимни Туркиядагидек ҳис қилмоқдаман. Санъат томонидан ҳам жуда ривожланган. Бу ердаги актёрларнинг маҳорати, ижроси ҳам юқори савияда. Туркияда вақт тез ўтиб кетадигандек, бу ерда эса нисбатан сокинлик мавжуд. Грузия, Озарбайжон, Украина, Ўзбекистон сингари МДХ давлатларида бўлдим. Бу мамлакатларда санъат яхши ривожланган, театр соҳасида рус театршунослигининг изи сезилиб туради. 100 йиллик

тарихга эга театрлар ҳам анча кўп. Сизнинг театрингиз унча тарихга эга бўлмаса-да, бу ерда қилинган ишлар залворли. Шаҳар ўзбек драма театри ҳақида қўшимча айтадиган бўлсам, бу шу минтақада истиқомат қилувчи ўзбек халқининг бахтли эканлигини билдиради. Театр – миллатнинг юзи. Театр жамоаси шу масъулиятни ҳис этган ҳолда уюшқоқлик билан иш юритмоқда, десам, муболага бўлмайди.

– Бу ерга келмасдан аввал қандай тасаввурга эга эдингиз?

– Бу ерга ташриф буюрмасдан аввал ўзбек театрида бир-икки нафар ўзбек актёри бўлса керак, ана шулар бош ролларни ижро этади, деб тасаввур қилган эдим. Улар қозоқ миллати учун роллар ижро этади, деган ҳаёлга борганман. Бу ерда самарқандча палов, тошкент палови, кабоб едик, тошкентча чой ичамиз. Қашқадарёдан фарқи йўқдек, гўё.

– Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?

– 1983 йилда Измирда ту-

ғилганман, лекин ҳозир Истанбулда яшайман. Буйдоқман. Дадам темирийўл соҳасида ишлаб, нафақага чиққан. Улар Измирда яшайди.

– Нима учун режиссура соҳасини танлагансиз?

– Дастлаб актёрлик билан шуғулланганман. Актёр бўлсанг, сен саҳнада бошқа одам бўлишинг мумкин. Бу ҳам одамга ўзгача бахт бағишлайди. Ҳаётда ундай бўлмайди. Саҳнада бошқа одам номидан гапира оласан. Мен Усмон подшо ролини ҳам ўйнаганман. Кейинчалик тушундимки, актёр бўлсанг, бир одамнинг фикрини айта оласан, режиссёр бўлсанг, ўз фикринг, туғёнларингни актёрлар орқали оммага етказишинг мумкин.

– Сизни спектакль тақдимида кўрсак, ажойиб иш бўларди.

– Афсус, “Хасис” спектаклининг тақдими 30 июнь куни ўтади. Лекин ишларим кўплиги боис мен унда иштирок эта олмайман. Бошқа чет давлатларда ҳам ишларим бор эди. Лекин унда онлайн шаклида қатнашаман. Тақдимот сўнггида сизнинг фикрларингизни ҳам билишни истардим.

– Яна таклиф бўлса, қабул қилармидингиз?

– Албатта, бу ер ўзимнинг уйимдек бўлиб қолди. Меҳмоннавозлик ва иззат-икром учун театр раҳбариятига, шахсан Жавлон Саидовга миннатдорчилик билдираман. Ассистентим Эмре Ақташ, иккинчи ассистентим, театр актёри Шерхон Салоҳиддинга алоҳида раҳмат айтаман. Театр жамоасига раҳмат, Шимкент шаҳри, Сайрамни анча ўрганиб олдим, қисқаси барча эҳтиром кўрсатганларга ташаккур.

Хуршид ҚўЧҚОРОВ.



ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Қозоғистон Республикаси Савдо ва интеграция вазири А. Шаққалиев ва Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Б. Атамқулов амалий ташриф билан Мақтаарал туманида бўлди.

Томонлар “Атамекен” божхона бекатида қўшма йиғилиш ўтказди. Учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари Т. Қўзибеков иштирок этди.

Учрашувдан мақсад – “Марказий Осиё” саноат кооперацияси халқаро марказини ташкил этиш масалаларини муҳокама қилиш ва лойиҳани амалга ошириш юзасидан аниқ қадамларни белгилаш.

Мазкур марказни чегара ҳудудида иқтисодий фаолликни ошириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқариш занжирларини интеграциялаш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун муҳим майдонга айлантириш кўзда тутилган.

Йиғилиш иштирокчилари ҳамкорлик маркази учун ажратилган ҳудудни кўздан кечириб, унинг инфратузилмасига доир масалаларни муҳокама қилишди. Лойиҳага сармоя жалб қилиш мақсадида, унинг асосий сармоядорлари билан музокаралар олиб борилди. Вазирлик томонидан сармоядорлар олдида қўйилган аниқ мажбуриятлар ва талаблар, амалга ошириш муддатлари белгиланган берилди.

“Марказий Осиё” халқаро марказининг ишга туширилиши минтақа иқтисодийётини ривожлантиришга, янги иш ўринлари яратишга имкон беради, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омил бўлади. Бундан ташқари, марказ минтақанинг логистика салоҳиятини мустаҳкамлайди ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайдиган асосий майдонга айланади.

М. УСМОНОВА.

БАХТ ТАРК ЭТМАЙДИГАН ГЎША

Тулкибош тумани Озодлик қишлоғининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган жамоат фидоийиси, тадбиркор ҳамда фаол инсонлар кўп. Мақоламиз қаҳрамони Мирабдулла Миразизов ҳам шундай инсонлар сирасидан. Эл қорига камарбаста фидокор, саховатли инсон.

Мирабдулла Миродил ўғли 1955 йили таваллуд топди. 1972 йили А. Навоий номидаги ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлади. Болалигидан ҳарбий бўлишни орзу қилди. Отасининг жўраси зобит, туман ҳарбий комиссариатини бошқарган Абдулла акага ҳавас қилди. Болалик қалбига покиза ниятни сингдирди “албатта ҳарбий бўламан”, деб йиллар мобайнида ҳарбийлар ҳаётини, турмуш тарзини, руҳий тарбиясини ўрганди. Тошкент олий умумқўшин-қўмондонлик билим юртига танлов асосида қабул қилишди. Уйга келган талабани она норози қарши олди, оилада унинг суяначиги бўлишини, узоққа юбормаслигини айтди. Падари бузруквори Миродил ота жамоа хўжалигида молбоқар, волидаи муҳтарамаси Моҳира ая – жамоа хўжалигида пиллачилик билан шуғулланарди. Оилада 8 нафар фарзанд бўлиб, ўғилларнинг тўнгичи. Имтиҳонлар топширилиб, талабалар рўйхатига киритилган йигитни янги ўқув йили бошланишига уч кун қолганида қайси ОТМ қабул қила оларди. Муддат тугаган, етуклик гувоҳномасида ҳатто битта “тўрт”и йўқ битирувчини Қозоғистондаги билим юртлари ҳам қабул қила олмади.

Йигит ДОСААФда ҳайдовчиликка ўқиди, уни Армия сафига қақаришди. Хизматдан келиб, барибир ўқишга кирди – автомеханика техникумини тамомлади. Қурилиш ташкилоти бўлган кўчма механизациялашган колоннада ишчи, кейин бетончи бўлиб ишлади. Жонажон ташкилотига ҳайдовчилик қилди, диспетчер лавозимига кўтарилди, муассасанинг партия ташкилотига раислик қилди. Кейин тақдир автобус паркига олиб келди. Фой-



даланиш бўлимининг бошлиғи этиб тайинлашди. У ерда ҳам икки ой ишлагандан сўнг диспетчерликка тайинлашди. Унинг партия ташкилоти аъзоси бўлгани боис, касабая уюшмасига раҳбарликни топширишди. Т. Рискүлов автобус паркида йиллар мобайнида ҳайдовчилик билан бирга, касабая уюшмасини бошқарди. 1990 йилда партия ташкилотининг Алматида ўтган съездида делегат сифатида иштирок этди.

– 1977 йили Дилоромхон билан оила қурдик. Умр йўлдошимдан мингдан минг розиман, – дейди М. Миразизов. – Ҳаёт синовларини биргаликда енгиб, мени ҳар қандай мушкул дамларда қўллаб келди – сув келса симирди, тош келса кемирди деганлари шу бўлса керак. Аллоҳ бизга уч нафар ўғил ҳамда қиз туҳфа қилди. Тўнгичимиз – Мирмуҳсин – ҳайдовчи-тадбиркор, Мирзоҳид, Мирвоҳид ҳам ишбилармон йигитлар бўлиб, халққа хизмат қилишяпти. Қизимиз Моҳина – ҳамшира. Тўнгич келинимиз Муяссархон – муаллима, Комила – тиббиёт ходими, Шоҳиста – дас-турчи. Умр йўлдошим оила бекалиги билан биргаликда тикувчилик қилди, боғчада бола-

ларни тарбия қилди. Кейин бирга тадбиркорликни бошлаб юбордик. Бу табиийки, ўғилларимизнинг фаолиятларини бошлашлари учун сабоқ бўлди. Фарзандларимга, невараларимга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб келганман ва имкон қадар ўзим ўрнатган бўлишга ҳаракат қиламан. Жамоамиз номидан доим терма жамоа бўлиб футбол ўйнардик. Туман, вилоят биринчилигида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келдик. 22 жамоа ўртасида энг фаолларидан бўлганмиз. Ҳозир умр йўлдошим билан бирга футбол терма жамоаларининг ўйинларини мароқ билан кузатамиз. Айниқса, Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатида 34 йилда илк бор йўлланмани кўлга киритган дамларини мароқ билан томоша қилдик. Қани ёшлигимиз, соғлигимиз қайтсаю, биз ўша ўйинларни мароқ билан ўйнасак...

Сухбатдошимиз суяги жамоат ишларида қотди. Партия ташкилотига ишлади, касабая уюшмасини бошқарди, съезд, анжуманларда иштирок этди, жамоат ишларида туман тараққиётига ҳисса қўшди. Умри давомида эл-юрт манфаатлари учун хизмат қилди.

М. САЎДУЛЛАЕВА

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Саверон – Шамирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22. Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71. Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзихон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.	● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.	Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЭЗ34VRY00022503 гувоҳнома берилган. “ЕRNUprint” МЧБ босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. +7778-618-39-05 Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНОВЕВ.	Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Нашр кўрсаткичи – 65466.	Адади – 11300 нусха.	Бўғум № 1400.	Навбатчи муҳаррир: Малика ЭПТОЕВА.